



Азиз Саид



**Шундай камтарин, дунё хавас килса арзийдиган ёник
шоирларимиз бор, Худога шукр!**

**Азизбек, шеърларингизни ўкиб, хайратдан бир лахза тарашадай котиб
колдим.Койил!**

**Дарахтлар остида
Эриб ётар пишган ўриклар**

Дунёда хали ҳеч бир шоир айтмаган янги гап, янги ташбех.Вах!

**Пулларини санаётган куз
Кўзини узмас
Теракнинг учидаги**

Сўнгги япроқдан.

Сизнинг шеърларингизни ўқиган инсофли ОДАМ "Ўзбекнинг шундай ажойиб шоирлари бор!" деб юбориши аник.Ха, хакикий шоирларгина шундай лирик шеърларни ёза оладилар.

Ахир, шундай бўлиши керакда.

Шоирдан коп-кора каргиш, хотинчалиш хакорату майда йиги -сиги, ўз бошига кул сочган кора фарёд, фитна, гараз,гўру кафан, гийбатлару кон -йиринг килкиллаган хандак, тупук тўла кудук колмаслиги керак!

Ундай нарсалар хеч қачон шеър бўлолмайди.Оддий сўзлар йигиндисини айтиш учун кофия ва мисраларни овора килишнинг нима кераги бор?Ундай нарсаларни, шундай, огзаки, даханаки айтса ҳам бўлади.

ХАКИКИЙ ШЕЪР рух меваси, санъат асаридир.Санъат асарлари акл билан ёзилмайди.Рух билан ёзилади.Рух бепоён ХОЛ. Акл эса, модда, КОЛ, яъни КАВЛ.Рух билан шеър ёзишни Худо хар кимга ҳам ато этавермайди.

Халк дардини айтмоқчимисан? Унда одамни кулгисини кистайдиган даражада ёки эснашга махкум этгувчи ўта содда примитив сўзлар ва ёки бакирик дагдага, хакорат билан эмас Азиз Саидга ўхшаб айт, койил колайлик.

**Сўзга айлана олмай кийналар
Рангли шарлар ичидаги
Нафасим**

Азиз Саид бу шеърида гох кизил болишвой, гох жигарранг фашист, гох чала демкрот бўп халкни хавоси айниб колган шар ичида

саклагувчи жамият ва ўша шар ичида бўғилиб ўлаётган, тоза хавога зор инсон образини мато мойбўёксиз, сўз билан койил килиб ифодаламакда.

Мана шоир ва шеър кандай бўлиши керак.

Бу сизга аллакандай сувсизликдан какраган ватанда фавворалар кахкахасига лаганбардорларча касида битиш эмас.

Байрон, Пушкин, Есенин, Лоркаларнинг шеъриятига каранг. Хакикий маънодаги шоирлардан ёруг, мангу ўлмас шеърлар ёдгор бўлиб колади. Яхши шеърлар учун сизга минг раҳамат, Азизбек!
Доимо сог бўлинг, дўстим!

Хурмат билан, Холдор Вулкон.



Дарахтни зўрга кўндирдим
Бирга учишга

Кушга айланишимни
Кутамиз энди

Сўзга айлана олмай кийналар
Рангли шарлар ичидаги
Нафасим

Иккимизнинг кўлларимизга
Ёгар эди бахор ёмгири

Шамол хар кун териб келтирар
Титрогимиз синикларини

Томда куриган маккапоялар
Куёшни китирлаб кемирар сичкон

Кўкдаги кушларга термилар
Кариган мушук

Туёк тозалаётган шахарлик аёл
Кўлларига ёпишиб колар

Олис яйловдаги майсалар саси

Согилаётган сутнинг овози
Ўчокдаги олов овози
Сухбатлашар

Кутиб турар тонг бўсагада

Бир шода анор
Хона деворига осилган

Кўрпани бошига тортар болакай

Пулларини санаётган куз
Кўзини узмас
Теракнинг учидаги
Сўнгги япрокдан.



Манба: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Ижод.Уз" сайти.

Шамол кўнадиган шохга
Супургидан сингган хасларни жамлаб
Тухум кўйди мусича

Мушукнинг кўзидай ялтирар юлдузлар

Хаёлларин ушатиб бераркан
Баликчаларга
Арикнинг лабида ўтирар бир киз

Кимирламас арикнинг лаби

Арранинг овози келар устахонадан

Хазонлар остига беркинар
Ўрик данаги

Кун бўйи
Дарахтни айланиб авради
Сояси

Мевага ўхшармиш кушларнинг ини

Кафасдаги рангдор кушча
Сайрамай кўйди

Пар ёстик кўтарган аёлни кўриб

Кизгиш калпокчали болакай
Югурарди сувсиз арикнинг ичида

Гулзордан анкирди атиргул бўйи

Болалик бекинмачок ўйнарди
Бодринг жўяклари ичида

Тиззачалар изи кўмилди сувга

Осмонга ўкталган арава шотиси
Тўпга ўхшарди
Кечгача термилар бир тўп болакай

Каргалар галаси кўринмас

Гамгин кўшик айтар
Зардўзи кизлар

Сўлиган ўсмани ёритади ой

Бахорнинг сўнгги куни
Калдиргочлар хайрлашар

Кўзимга чизилган овозлари билан

**Кизгиш туманлар ортида элас
Кордай оппок икки тепалик
Юмшок
Силлик
Ёстикка ўхшар**

Мудрайди куёш

Куёш ботмоқда

**Куткаргани отланар
Дўконини ёпиб
Намозшомгуллар**

**Ёз чилласи
Дарахтлар остида
Эриб ётар пишган ўриклар**

Богда анкир балогат хиди

Пайкалда ёрилган ковун

**Шира окиб борар ойнинг нурида
Чумолининг инига томон**

**Чайкатиб юборишди
Тунги ховузни
Балик овига чиккан юлдузлар**

Ой юлдузсиз коронгу кеча
Кўринмайди ховуздаги сув

Узокдан кайтарди хориган хаёл.

**Манба: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг
"Ижод.Уз" сайти.**

